




INNOVATIVE WORLD
Ilmiy tadqiqotlar markazi

ZAMONAVIY ILM-FAN VA TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



Google Scholar  zenodo  Open AIRE



+998335668868

<https://innoworld.net>

2026



**«INNOVATIVE WORLD» ILMIY TADQIQOTLARNI QO'LLAB-
QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY ILM-FAN VA TADQIQOTLAR: MUAMMO VA
YECHIMLAR» NOMLI 2026-YIL № 1-SONLI ILMIY, MASOFAVIY,
ONLAYN KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

Google Scholar



ResearchGate

zenodo



ADVANCED SCIENCE INDEX



Directory of Research Journals Indexing

**www.innoworld.net
O'ZBEKISTON-2026**



Оилада маънавий, психологик соғлом муҳитни яратиш Бобораҳматова Маржона

Термиз Давлат Университети Психология йўналиши 2-курс талабаси.

Оила кишилиқ жамиятида инсоний орият ва номусни англаш, халқ ва Ватан нашидасини ўзида етакчи омилга айлантурувчи бирлик. Ота - она меҳрини, оила аъзоларининг инсоний фазилат ҳамда сифатларини ҳимоя қилувчи, оила маънавий дунёсини ўз фаолиятида тараннум этадиган, ўзбек оилалари маънавиятининг тарихий асосларини оила ва жамият, маънавий руҳият, миллий анъаналар, бола тарбиясининг айрим муаммоларини бартараф этишда истиклол мафкураси асосларига таянган ҳолда амалга оширадиган етук жамоа. Оила инсоний меҳр - мурувват меъзонлари каби туйғуларни ўзида мустаҳкам идрок этишга чорловчи муқаддас ва улуғ даргоҳдир. Инсон ана шу даргоҳда ўсади, унади, вояга етади. Биз доимо оилага мамлакатнинг, давлатнинг кичик бир даргоҳи деб қараймиз. Оиланинг маънавий - ахлоқий тамойиллари жуда кенг ҳамда шарафлидир. Оиланинг жамиятдаги сиёсий - ижтимоий мавқеи, жамият тарихий тараққиётининг барча жабҳаларидаги иштироки маълум бир хусусиятларни ҳам ўзида намоён этиб келган. Оиланинг иқтисодий имкониятларини, демографик ва этнографик, этнопедагогик, этнопсихологик ва этномаданий анъаналардаги қадриятлари саналмиш: ҳалоллик, ростгуйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилат ва сифатлар мажмуини очиб беради. Инсон қайси оилага мансублигидан қатъий назар, унга садоқатли бўлиб қолиши керак. Айниқса, оиланинг шаъни, обрўси, ор - номуси учун инсон ўзини сафарбар этиши, кези келганда эса, бетиним курашмоғи шарт.

Маълумки, инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қилолмайди ва айнан мана шу оилада у жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оиладаги тарбия муҳити эса оилада аёл ва унга бўлган муомала даражасидан, аёлга муомала мавқеидан бошланади. Шунинг учун ҳам ҳадислардан бирида айнан аёлга муносабат сифатида «Сизларнинг ҳар бирингиз аёлларингизни ўзларингизни севгандай севингизлар» дейилади. Ушбу ҳадис, жамиятнинг оила деб бошланувчи тушунчасининг асосини ташкил қилувчи фикрлардан бири бўлганлиги учун уни биз атайлаб олдик. Бу иқтибосдаги севги сўзига алоҳида эътибор берилишини истардик. Ҳар бир оилада севги устувор бўлар экан, ўша оилада руҳий муҳит соғлом бўлади ва ушбу оилада юзага келган болаларнинг тарбиясига энг қулай шароит яратилади. Оилага нисбатан бошқа бир алломанинг фикри билан айтганда, фақат севгидангина чиройли ва ақлли болалар туғилади. Демак, тарбиядан гап очишдан илгари оила ва ундаги руҳий муҳит ҳақида гап юритиш лозим бўлади. Оила деганда биз қадим-қадимлардан одамлар орасида жуфтлик ҳолатда яшашини ва бу шароитда ушбу оиланинг давомчилари, фарзандларнинг дунёга келишини кўзда тутамиз.

Оилаларимизнинг мустаҳкамлиги, руҳан соғлом ва мўътадиллигининг асосий сабабларидан бири авлодлар силсиласининг, оиладаги тарбия анъаналарининг қадрият сифатида унутилмаслиги эканлиги аён

бўлмоқда. Демак, оила руҳий муҳитига жиддий таъсир қилувчи омиллардан бири оилалардаги авлодларнинг ўзаро, ота-оналарнинг болаларга, болаларнинг ота-оналарга нисбатан муносабатини жиддий инобатга олиш экан. Биз ҳаммамиз она қорнидалигимиздан бошлаб оила аъзосига айланамиз. Чунки айнан бизни ҳисобга олиб онамизга у пайтларда оғир жисмоний иш қилишга ижозат беришмайди, уларнинг кўнгли истаган нарсани топиб берадилар, овлоқ қолдиришмайди ва ҳоказо... Айни шуларнинг ўзи эса оилада бола тарбияси бошланди, деган маънони беради. Демак, оила руҳий муҳити бизнинг дунёга келишимиз борасидаёқ маънавий жиҳатдан эҳтиёт қилинади. Мана шу ва шунга ўхшаш чоралар кўрилган оилада бола туғилиши ўз ўрнида оилани маънан бойитиб, руҳан мўътадиллаштиради. Келгуси фарзандга соғлом оилавий-тарбиявий замин яратилади. Бу билан демоқчимизки, оилани руҳан мўътадиллаштиришда бола пайдо бўлишини ижобий йўлда қўлласа бўлади. Шунинг учун ҳам бола туғилиши оилани мустаҳкамлайди, деб бекорга айтишмайди. Оила руҳий муҳитини соғломлаштиришдаги бу биргина мисолни келтирар эканмиз, оила учун, унинг аъзоларининг инсонийлик фазилатлари учун, маънан соғломлашуви учун энг қадимий ва энг сирли табиий – биологик насл қолдиришнинг маънавиятга таъсирини айтдик холос. Юқорида айтганимиздек, фақат маънавият кучли оиладагина руҳий муҳит соғлом бўлади. Оила аъзоларида қанчалик бир-бирларига ҳурмат, бир-бирларини тушуниш ва ўзаро ҳамдамлик ва ҳамжиҳатлик кучли бўлса, ҳамма ҳаракат, истак ва иштиёқларида муҳаббат устуворлик қилса, оилавий руҳий муҳит соғломлашиб боради. Аммо маънавиятга дарз кетар экан (бу ҳол ниҳоятда кўпқиррали ва кўпқўринишли бўлади), оила руҳий муҳити инкироз томонга юз тутади.

Ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили ва шу миллатнинг руҳий тарзини мажмуасида, яъни миллий руҳиятида ўз ифодасини топади. Бинобарин, халқ ва элат маънавияти ва руҳиятини ёш авлодга сингдириш ишини оиладан бошлаш керак. Оилада фарзанд тарбиясининг педагогик-психологик хусусиятларини анализ қилинганда, ахлоқий тарбияни изчил ва тартибли амалга оширишда оила муҳим рол ўйнайди. Инсон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади. Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, мижози, хулқ-атвори, ахлоқи, диди, таъби алоҳида ажралиб туради. Бола ахлоқини, одобини такомиллаштириш аввало оилада акс этади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбиянинг бир бўлаги ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. **Каримов И.А.** *Юсак маънавият – энгилмас куч.* – Тошкент: Маънавият, 2008. (Оила, маънавий муҳит ва миллий кадриятлар масалалари чуқур ёритилган)
2. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.** – Тошкент, 2023.
3. **Абдулла Авлоний.** *Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.* – Тошкент: Ўқитувчи, 1992
4. **Мусурмонова О.** *Оила педагогикаси.* – Тошкент: Ўқитувчи, 2007 **Жураев Р.Х.,**
5. **Турсунов С.Т.** *Маънавият асослари.* – Тошкент: Маънавият, 2010.